

2025 йил “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”да ижросини таъминлашга кўмаклашиш бўйича 4 та бўлим, 11 та банд, 33 та тадбирдан иборат манзилли тадбирлар режаси ижроси юзасидан:

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”, деб эълон қилинишида теварак-атрофимизда яшил ҳудудлар кенгайиб, яшил қалқонлар кўпайиши она табиатимизни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга етказишда муҳим аҳамият касб этади. “Яшил” иқтисодиёт экологик тоза, энергия, сув ва бошқа табиий ресурсларни иқтисод қиладиган технологияларни жорий этиб, экология хавфсизлигини таъминлашга замин яратади. Мамлакатимизнинг 2019-2030 йилларда “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини рўёбга чиқариш, қайта тикланувчи, самарали энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларимизни кенгайтиради. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши иқлим ўзгариши шароитида самарали, ресурс тежамкор ва экологик хавфсиз иқтисодиётни таъминлашга кўмаклашишни ўз олдига режа қилиб қабул қилган чора-тадбирлар режаси ижроси бўйича 6 ой давомида:

Қабул қилинган жамоа келишуви ва жамоа шартномалари орқали 11 078 нафардан ортиқ ходимларга ҳозирги кунда ишлаб турган ва собиқ тиббиёт ходимларига юбилей саналари, пенсия ёшига етган ходимларга пенсияга чиқишидан олдин, ишламайдиган пенсионерларга байрам арафасида, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган ёш оналарга, ногиронлиги бўлган шахслар ва ўзгалар парваришига мухтож кишиларга байрам арафасида турли кўринишда ижтимоий кўмаклар берилди, улар холидан хабар олинди, олий ўқув юртларида тахсил олаётган талабалар учун шартнома пулларининг бир қисми қоплаб берилди, ёш ходимларга сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан, ёш оилаларга уй-жой қурилиши ва мамлакатимизда ишлаб чиқилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун фоизсиз ссудалар берилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюросининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича сектори билан ҳамкорликдаги Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Кенгашининг хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари глобал касаба уюшмалари бирлашмаси бўлган Жамоат хизмати ходимлари Интернационалининг Европа Федерацияси билан ҳамкорликда Кенгашга аъзо касаба уюшмалари вакиллари иштирокида жорий йилнинг 25-26 март кунлари Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ шаҳарчасидаги “Оқ кема” болалар оромгоҳида “Иқлим ўзгариши ва Орол денгизи инқирози: касаба уюшмаларининг муносиб меҳнат ва жамоат саломатлигини таъминлашдаги роли ва вазифалари” мавзусида Халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференция доирасида ташкилотчилар билан биргаликда Марказий Осиё

мамлакатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Кенгашига аъзо Ўзбекистон, Тожикистон, Монғолия, Қирғизистон, Қозоғистоннинг “Aqniyet” ва “QazMed”, Руминиянинг “Sanitas” соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари вакиллари иштирокида 23-24 март кунлари Орол денгизининг, аниқроғи унинг қолган қисми қирғоғида барча вакиллар қўлларидан ушлаган ҳолда “Табиатни асраб авайлашга” дунё ҳамжамияти, кенг жамоатчилик ва касаба уюшмаларини бирдамликка чақирган ҳолда “Бирдамлик” акцияси, Мўйноқ шаҳарчасидаги “Кемалар қабристон”да қуриган Орол денгизи қирғоғида жамоатчиликни “Она табиатни” асраб-авайлашга “Табиатни асрайлик” ўзбек, инглиз ва рус тилларида транспарантларни баланда кўтарган ҳолда “Чақириқ” акцияси бўлиб ўтди. Тадбирда Марказий Осиё ва Европа мамлакатлари касаба уюшмаларига Орол денгизи муаммоси оқибатларини бартараф этишда фаол иштирок этиши юзасидан мурожаатнома қабул қилинди. Конференция иши якунида Орол денгизи инқирози оқибатларини юмшатиш бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган ибратли ишларни эътироф этган ҳолда иқлим ўзгариши шароитида касаба уюшмаларининг вазифаларини белгилаб олинди ва инқироз оқибатларини юмшатиш бўйича биргаликда ҳаракат қилиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиб, бу бўйича дунё ҳамжамиятига, кенг жамоатчилик ва касаба уюшмаларига чақириқни ўз ичига олган конференция декларациясини қўшимча ва ўзгартиришлар инobatга олиниб қабул қилинди.

2025 йилнинг 2-5 апрель кунлари Остона (Қозоғистон) шаҳрида Жамоат хизмати Интернационали Европа Федерацияси (ЕФПОО)нинг ЕФПООнинг Марказий Осиё бўйича минтақавий йиғилишида Ўзбекистон делегацияси 25-26 март кунлари Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ шаҳарчасидаги “Оқ кема” болалар оромгоҳида “Иқлим ўзгариши ва Орол денгизи инқирози: касаба уюшмаларининг муносиб меҳнат ва жамоат саломатлигини таъминлашдаги роли” мавзусида бўлиб ўтган Халқаро илмий-амалий конференция тўғрисида ахборот берди, хронологик тарзда акс этган видеоролик намойиш этилди. Йиғилишда иштирок этган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг мамлакат офиси раҳбари Скендер Сыла тадбир тўғрисида алоҳида ўз эътирофини билдириб, намоиш этилган роликдан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти иш фаолиятида фойдаланишини билдирди.

Тармоқ тизимидаги ташкилотлардаги ходимларнинг ташаббус ва қизиқишларини яқиндан ўрганиш ҳамда ёш ходимларнинг раҳбарият билан тўғридан-тўғри очиқ мулоқотини йўлга қўйиш мақсадида “Раҳбар ва ёш ходимлар” учрашуви доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятларда 3-20 июнь кунлари ўтказилган ҳисобот-сайлов конференцияларига делегат этиб сайланган 500 нафарга яқин ёш тиббиёт ходимлари ва талабалари билан Республика Кенгаши раиси Ф.Ханапияев иштирокида учрашувлар ўтказилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан мамлакатимиз касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги олдидан 25-26 июнь кунлари Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятида ўтказилган “Касаба уюшмалари ёшлари - Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” Республика ёшлар форумида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш

ходимлари касаба уюшмасининг ҳудудлардан 14 нафар ёш аъзолари “Соғлом турмуш тарзи ва фаровон ҳаёт” йўналишида иштирок этдилар.

Республика Кенгаши ташаббуси билан ҳар йили ўтказиладиган 9 май - “Хотира ва қадрлаш куни” умумхалқ байрами акцияси доирасида соҳада самарали меҳнат қилиб обрў-эътибор қозонган, олдинги 5 йил давомида вафот этган ходимларни хотирлаш учун алоҳида 892 та Ёднома, тизимда меҳнат қилиб, ҳозирда нафақада бўлган фахрийларни кўп йиллик самарали, беминнат меҳнатларини қадрлаш, эътироф этиш мақсадида алоҳида 3 минг 102 та Қадрнома, кўп йиллар мобайнида соҳа ходимларини ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келаётган касаба уюшмаси фаолларини хизматларини эътироф этиб, алоҳида 357 та Қадрнома тайёрланди. Бутун Республика бўйича байрам арафасида ўтказилган акция давомида ҳудудий кенгаш вакиллари, барча даражадаги бошланғич ташкилотлар, ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари раҳбарлари, ҳамда вакиллари билан биргаликда 4 минг 351 нафардан ортиқ хонаданларга ташрифлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ташаббуси билан 12 май куни Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази катта мажлислар залида анъанавий кўрик-танловлар “Ҳамшира” ва “Йилнинг энг яхши ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходими”, “Йилнинг энг яхши дояси” танловлари ҳамда илк маротаба ўтказилган “Менинг онам ҳамшира” расмлар танлов Республика босқичининг 88 нафар ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ғолиблар Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан тайёрланган кўрик-танлов номи туширилган статуетка, танлов ўтказилган йил, иштирокчи исм фамилияси, эгаллаган ўрни кўрсатилган махсус диплом, рағбатлантирувчи совғалар билан тақдирландилар.

“12 июнь- Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш куни” муносабати билан Республиканинг барча ҳудудларида болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олаётган ёш авлод вакиллари билан бола ҳуқуқлари борасида ўтказилган савол-жавоб викториналарида иштирок этдилар. 13 июнь куни Сирдарё вилоятида “Сирдарё” болалар соғломлаштириш оромгоҳида “Тараққиё аниқ, амо қилинадиган ишлар кўп: келинг, саъй-ҳаракатларни тезлаштирайлик!” мавзусида ўтказилган тадбирда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг BETTER WORK UZBEKISTAN” лойиҳаси раҳбари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси масъуллари, туман ҳокими, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти бўлинмаси аппарати ходимлари, бошланғич ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Шахмат бўйича “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси кубоги” мусобақасида тармоқ ходимларидан 160 нафари ташкилот, туман, вилоят босқичларида иштирок этдилар. Республика босқичида иштирок этган Тошкент киритди.

Ходимларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишлари, уларни маънавий озуқа олишлари, бой маданиятимиз ва тарихий меросимиз билан яқиндан таништириш мақсадида “Театр куни”, “Мозийга саёҳат” лойиҳалари асосида 2.200 нафар ходимларнинг концерт, театр ва музейларга ташрифлари уюштирилди.

Қасаба уюшмалари тизимида туризмни ривожлантиришга қаратилган "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" дастури доирасида жамоа шартномалари ва тармоқ жамоа келишувларига киритиш орқали 16 598 нафар, шундан 10 минг 116 нафари ўз ҳудудларидаги диққатга сазовор қадамжоларга, 6 минг 4 нафарини тарихий шаҳарларга, ташриф буюрдилар.

"Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили" да тармоқ бўйича амалга оширилган ишлар Республика оммавий ахборот воситаларида 234 мартаба, маҳаллий ОАВда 225 мартаба, тармоқ сайтида ва ижтимоий тармоқларда 2719 мартаба ёритилди.

2025 йил "Ўзбекистон-2030" стратегиясини "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили" ижросини таъминлашга қўмаклашиш бўйича манзилли-тадбирлар режаси ижросини таъминлаш мақсадида иш берувчи маблағларидан 7 млрд. 687 млн. 310 минг сўм, қасаба уюшма маблағларидан 10 млрд. 67 млн. 742 минг сўм, Республика Кенгаши маблағлари ҳисобидан 2 млрд. 739 млн. 90 минг сўм маблағ сарфланди ва жами сарфланган маблағлар 20 млрд. 325 млн. 203 минг 908 сўмни ташкил этди.

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР – ТЕНГЛАР ИЧИДА ТЕНГЛИК

ҲИСОБОТ ЙИЛИДА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР, ХАЛҚАРО КАСАБА УЮШМАЛАРИ БИРЛАШМАЛАРИ, ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ТУРДОШ КАСАБА УЮШМАЛАРИ МАРКАЗЛАРИ БИЛАН АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ЭЪТИБОР ТУБДАН КУЧАЙТИРИЛДИ.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси хисобот даврида халқаро доирада Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Халқаро Конфедерацияси, Жамоат хизмати Интернационали ва унинг Европа Федерациясига аъзоликни сақлаб қолди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг ташаббуси билан 2023 йилда Тошкент шаҳрида “Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Кенгаши” халқаро касаба уюшмалари бирлашмаси таъсис этилди. Ушбу халқароо ташкилотга Қозоғистон, Мўғулистон, Тожикистон ва Ўзбекистон тармоқ касаба уюшмалари аъзолар сифатида қабул қилиниб, биринчи ташкилий йиғилишда тасдиқланган Устави Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтказилди. Бош котиб этиб 5 йил муддатга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси раиси Ф.Хананияев сайланди. Кенгаш таркибига масъул котиб, хисобчи лавозимлари киритилди. Тасдиқланган регламент бўйича Кенгаш режали равишда фаолиятини бошлади.

Ташкил этилган Кенгашнинг асосий мақсади касаба уюшмаси аъзоларининг ижтимоий, меҳнат, касбий, иқтисодий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, касаба уюшмаларининг ҳуқуқ ва кафолатларини ҳимоя қилиш, ташкилотларнинг халқаро ҳамкорлигини таъминлашга, БМТ нинг минтақадаги барқарор ривожланиш мақсадларини ва Халқаро Меҳнат ташкилотининг муносиб меҳнат концепциясини илгари суришга, Жамоат хизмати Интернационали (ИОО) ва унинг Европа Федерацияси (ЕФПОО), Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Халқаро конфедерацияси (МКПРЗ), Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши томонидан бошланган глобал кампанияларда биргаликда иштирок этишга, интеграция жараёнларини ривожлантириш ва меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга қаратилган.

Тармоқ касаба уюшмаси томонидан ўтган беш йил давомида соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш бўйича ҳамкорлик қилиш мақсадида Арманистон, Беларусь, Грузия, Молдова, Мўғулистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркия соғлиқни сақлаш ходимлари тармоқ касаба уюшмалари билан ўзаро Меморандум ва шартномалар имзоланган.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Халқаро Конфедерацияси (МКПРЗ)нинг иш режасига биноан, 2021 йил 17 ноябрь Тошкент шаҳрида куни касаба уюшмаси тарихида биринчи марта Конфедерация Ижроия қўмитасининг

навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди. Тадбир давомитда “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ижтимоий шериклик масалалари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Шунингдек, “Мамлакатимизга COVID-19 коронавирус инфекциясининг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, қулай санитария-эпидемиологик муҳитни таъминлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича олиб борилган ишлар тўғрисида”ги масала муҳокама қилинди.

2022 йилда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси томонидан халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

2022 йил 1 июнь - Республика Кенгаши раиси Ф.Ханapiaев Россиянинг Москва шаҳрида Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Марказий қўмитасининг “Касаба уюшмасининг меҳнат муҳофазаси йўналишидаги фаолиятининг устувор вазифалари”га бағишланган навбатдаги Пленум йиғилишида иштирок этиб, унда Республикаимизда соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси тизимида меҳнат муҳофазаси бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан маъруза қилди.

Маърузада асосий эътибор, 2022 йилнинг 18 март кунда Президентимиз томонидан юртимиз тарихида илк бор “Ўзбекистон тиббиёти – инсон қадри учун” шиори остида тиббиёт ходимлари билан учрашуви, очиқ мулоқот бўлиб ўтгани ва унда давлатимиз раҳбари томонидан тиббиёт ходимларининг мажбурий тиббий қўриқдан ўтиши давомида чиқимдор бўлаётганликлари танқид остига олиниб, мутасадди вазирликларга тегишли топшириқлар бергани ва кейинчалик бу ҳақда алоҳида Фармойиш имзоланганлигига эътибор қаратилди.



2022 йил 23 июнь - Душанбе шаҳрида Қозоғистон, Россия ва Тожикистон тармоқ касабаси уюшмалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича меморандум имзолаш тантанали тадбири ва “Қозоғистон, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон тармоқ касабаси уюшмалари аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш борасидаги фаолиятининг асосий йўналишлари” мавзусидаги анжуманда Республика Кенгаши раиси Ф.Ханapiaев иштирок этди.

2022 йил 7 сентябрь - Республика Кенгаши раиси Ф.Ханapiaев Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси (ВКП)нинг IX Съездида Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмалари Халқаро Конфедерациясидан сайланган делегат сифатида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси вакиллари билан биргаликда иштирок этди.

2022 йил 22-23 сентябрь - Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси (МОТ АКТРАВ), Грузия соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва фармацевтика ходимлари касабаси уюшмаси ташаббуси билан Жамоат хизмати Интернационали Европа Федерацияси (ЕФПОО)га аъзо Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатларида “COVID-19 пандемиясидан кейин соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш орқали келажакка интилиш” мавзусидаги конференциясида Республика Кенгаши раиси Ф.Ханapiaев иштирок этди.

2022 йил 5 октябрь - Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси (МОТ АКТРАВ) ташаббуси билан, Молдова касаба уюшмалари Конфедерацияси ўқув маркази томонидан Қозоғистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси фаоллари ўртасида Душанбе шаҳрида ўтказилган “Постковид синдроми, COVID-19 пандемияси сусайиб бориши жараёнида тиббиёт ходимларининг соғлиғини тиклаш, улар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат қонунчилиги бузилишини олдини олиш пасайтириш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимида ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва тиббий реабилитация қилиш механизмларини ишлаб чиқишда касаба уюшмасининг роли” мавзусида халқаро конференцияда Ўзбекистон тармоқ касаба уюшмасидан Республика Кенгаши раиси Ф.Ханапиев бошчилигида Республика Кенгаши раиси ўринбосари Г.Тохтаева, бош мутахассислар Д.Тошматова, Д.Рўзиева, Н.Турсунбоев, бош меҳнат техник инспектори З.Алиев, тармоқ касаба уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Андижон, Фарғона, Наманган, Сирдарё вилоятлари кенгаш раисларидан иборат 14 кишилик делегация иштирок этди.

Конференция ишида пандемия ва пандемиядан кейинги даврида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси томонидан амалга оширилган ишлар хусусида қилинган маъруза Қозоғистон ва Тожикистонлик ҳамкасбларда катта қизиқиш уйғотди. Конференция якунида резолюция қабул қилиниб, маъруза ва ахборотлар асосида касаба уюшмалари учун “COVID-19 ни оғир ва ўрта оғир формаларини ўтказган корхона-ташкilotлар ишчи-ходимларини эрта ва санатор-курорт реабилитацияси юзасидан тавсия” ишлаб чиқилиб ХМТ вакилига тақдим этилди.

2022 йил 24 октябрь - Бельгиянинг Брюссель шаҳрида Халқаро касаба уюшмалари уйида Жамоат хизмати Интернационали Европа Федерацияси (ЕФПОО)нинг “Саломатлик ва ижтимоий кўмак”, “Яхши меҳнат шароитлари юқори сифатли тиббий хизматни англатади” мавзуларида Умумевропа конференцияси бўлиб ўтди. Мазкур конференцияда ЕФПООга аъзо ташкilotлар вакиллари қаторида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Ф.Ханапиев иштирок этди.

Конференция ишида ЕФПОО Ижроия қўмитаси раиси Ян Виллем Гудриан, Федерациянинг соғлиқни сақлаш сектори раҳбари Адам Рогалевски, Халқаро меҳнат ташкilotининг Европа ва Марказий Осиё бўйича Европа минтақавий бюросининг директори Хайнц Вернер Коллер, шунингдек Европада соғлиқни сақлаш тизимининг энг йирик иш берувчилар уюшмаси НОSPEEM бош қотиби Марта Бранкаларнинг маърузаларини тинглади.

2022 йил 25 октябрь - Халқаро касаба уюшмалари уйида Жамоат хизмати Интернационали Европа Федерацияси Ижроия қўмитасининг навбатдаги 69-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси раиси Ф.Ханапиев мазкур Федерация Ижроия қўмитаси аъзоси сифатида биринчи марта иштирок этди.

2022 йил ноябр - Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг тавсияси асосида Республика Кенгаши раиси Ф.Ханапиев ноябр ойи давомида Халқаро Меҳнат ташкилотининг Турин шаҳридаги малака ошириш маркази ўқув курсида масофавий малака оширди.



2022 йил 23 ноябрь – Кенгаш раиси Озарбайжоннинг Боку шаҳрида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси делегацияси таркибида Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси (МОТ АКТРАВ) ҳамда Халқаро Меҳнат ташкилотининг Турин шаҳридаги малака ошириш маркази томонидан ташкил этилган “Касаба уюшмаларининг барқарор ривожланиш соҳасидаги сиёсати ва ҳаракатлари” мавзусида субрегионал ўқув-семинар курсининг якуний босқичида “БМТнинг барқарор ривожланиш соҳасидаги сиёсати ва ҳаракатлари доирасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар” мавзусида ҳамда “2050 йилга қадар Ўзбекистоннинг БМТнинг барқарор ривожланиш соҳасидаги сиёсати ва ҳаракатлари дастури ижроси бўйича имкониятлари” мавзусида маъруза билан иштирок этди.

2023 йилда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси томонидан халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

2023 йил 18 май - Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Ф.Ханапиев Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Халқаро конфедерацияси (МКПРЗ) Ижроия қўмитаси аъзоси сифатида Беларусь Республикасининг Минск шаҳрида бўлиб ўтган Конфедерация Ижроия қўмитасининг сайёр йиғилиши ва семинарида иштирок этди.

Асосий эътибор соғлиқни сақлаш тизимида устоз-шогирд анъаналари, корхона ва ташкилотларда устоз-шогирд тизимини жорий қилишда касаба уюшмаларининг иштироки, тиббиёт ходимларининг иш вақти, тиббиёт ходимларига зарарли ёки хавfli меҳнат шароитида ишлаш учун йиллик тўланадиган қўшимча таътиллар бериш, соҳада ташкилот раҳбарларининг меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятлари, тиббиёт ходимларининг уй вазифасини бажаришда иш вақти ва иш вақтини ҳисобга олишнинг ўзига ҳос хусусиятлари тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

2023 йил 30–31 март - Хива шаҳрида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва ХМТ АКТРАВ ҳамкорлигида “Тиббиёт ходимларига хавфсиз меҳнат шароити яратиш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Марказий Осиё касаба уюшмаларининг роли” мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди. Тадбирга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси мезбонлик қилди.



2023 йил 5 октябрь - Брюссель шаҳрида Жамоат хизмати Интернационали Европа Федерацияси (ЕФПОО)нинг Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги 59-йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур учрашув доирасида 25 та аъзо давлатларнинг соғлиқни сақлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаси касаба уюшмалари етакчилари иштирокида Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ)нинг Бухарест декларациясидан келиб чиқувчи вазифалари, Европа Иттифоқи ва Умумевропа минтақасида соғлиқни сақлаш тизимида кадрлар етишмаслигини бартараф этиш ташаббуслари,

7 апрель Бутунжаҳон саломатлик куни муносабати ва Халқаро ҳамширалар куни бўйича баёноти, Европа руҳий саломатлик стратегияси ҳамда Европа Парламентининг COVIDдан олинган сабоқлари ҳақидаги ҳисоботи ва бошқа устувор йўналишлардаги масалалар кўриб чиқилди. Йиғилишда касаба уюшмаси раиси Ф.Ханапиев маъруза билан иштирок этди.

2023 йил 13 октябрь - Швейцариянинг Женева шаҳрида Жамоат хизмати Интернационали Европа Федерацияси (ЕФПОО) Ижроия қўмитасининг навбатдаги 71-йиғилиши бўлиб ўтди, кун тартибида Жамоат хизмати Интернационали (ИОО)нинг навбатдаги 31-Конгрессига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди.



2023 йил 14 октябрь - Швейцариянинг Женева шаҳрида Жамоат хизмати Интернационали (ИОО) 31-Бутунжаҳон Конгрессида касаба уюшмаси раиси Ф.Ханапиев делегат сифатида, бош мутахассис З.Хасанов таклиф этилганлар қаторида иштирок этди. Конгресс бутун дунёдан 1200 дан ортиқ касаба уюшма аъзолари ва фаолларини бирлаштирган ҳолда бўлиб ўтди. Конгресснинг панел музокараларида бутун дунё бўйлаб иқлим ўзгариши, тенгсизликнинг кучайиши, корпоратив ҳокимиятнинг кучайиши, неоколониализмнинг давом этаётган мероси ва COVID-19 пандемияси каби кўплаб инқирозларга дуч келганлиги муҳокама қилинди.

Маърузачилар бутун дунё касаба уюшмалари олдида турган муаммолар ва имкониятларга оидинлик киритдилар, касаба уюшмалари ҳуқуқлари учун курашда бирдамлик муҳимлигини биргаликда ифода этдилар.

2023 йил 20 октябрь - Қозоғистоннинг Олмата шаҳрида Қозоғистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси ташкил топганлигига 100 йил тўлиши муносабати билан Қозоғистоннинг "AQNIET" соғлиқни сақлаш ходимлари тармоқ касаба уюшмаси томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнаткашлар фолияти бўйича бюросининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бюроси (МОТ АКТРАВ), Жамоат хизмати Интернационали Европа Федерацияси (ЕФПОО) ташаббуси билан Арманистон, Грузия, Литва, Молдова, Тожикистон ва Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари вакиллари иштирокида ходимларни меҳнат шароитларини яхшилашга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.



Конференция ишида Ўзбекистон тармоқ касаба уюшмаси делегацияси раҳбари Ф.Ханапиев томонидан Янги Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига ҳамда тиббиёт ходимлари иш ҳақига нисбатан ўсиб бориши, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш кўрсаткичлари, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида ходимларга яратилаётган замон талабларига мос иш шароитлари, уларнинг меҳнатига муносиб иш ҳақи тўланиши динамикаси, тармоқ касаба уюшмасининг истиқболдаги вазифалари тўғрисида маълумот берилди.

2023 йил 29 ноябрь - Брюссель шаҳрининг Халқаро ассоциациялар марказида Жамоат хизмати Интернационали Европа Федерацияси (ЕФПОО) Ижроия кўмитасининг навбатдаги 72-йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур йиғилиш доирасида асосий масала ЕФПООнинг навбатдаги 11-Конгрессига тайёргарлик, Ҳаракатлар дастури лойиҳаси ва Низомга ўзгартиришлар киритиш масалалари муҳокама қилинди.

2023 йил 11 декабрь - Россия Федерацияси Москва шаҳрида Касаба уюшмалари Умумконфедерация (ВКП) Кенгашининг навбатдаги йиғилиши ҳамда навбатдан ташқари X Съездида Ф.Ханапиев таклиф этилганлар қаторида иштирок этди. Касаба уюшмалари Умумконфедерация (ВКП)нинг навбатдан ташқари X Съезд йиғилишида ВКП Бош котибининг ўринбосари, ВКП Ижроия қўмитаси ҳамда Кенгаши аъзоси ўз хоҳишига кўра, ваколатларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. ВКП Бош котиби ўринбосарининг ВКПнинг молиявий фаолияти тўғрисидаги маърузаси тингланди.

2024 йилда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси томонидан халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси сўнги йилларда Республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида нихоятда муҳим ҳал қилувчи умумхалқ ташкилоти сифатида ўрин тутиб келаётганлигини Европа, Марказий Осиё, Бутун жаҳон ҳамжамияти тан олганлиги сабабли, соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг ҳам халқаро доирада фаоллиги сезиларли даражада ошиб бормоқда. Айниқса 2024 йилда касаба уюшмаси вакиллари 15 дан ортиқ халқаро анжуманларга таклиф қилиниб, музокараларда фаол иштирок этилди.

Жумладан:



2024 йил 25 январь - Москва вилоятининг Красногорск шаҳрида “Биз ёнингиздамиз. Ижтимоий ҳамкорлик – келажак стратегияси!” мавзусида Халқаро форумда Ўзбекистон делегацияси иштирок этди. Форум доирасида халқаро амалий сессия ҳамда Москва вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Самарқанд вилояти Кенгаши ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

2024 йил 20 март - Беларусь соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Витебск вилояти делегацияси Бухоро вилоятига ташриф буюрди. Мазкур ташриф доирасида тармоқ касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши ҳамда Витебск вилояти уюшмаси ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Июль ойида Бухоро вилоят кенгаши делегацияси Беларусь Республикаси Витебск шаҳрига хизмат сафарини амалга оширди.

2024 йил 12 апрель - Қозоғистоннинг Остона шаҳрида Республика Кенгаши раиси ўринбосари Г.Тохтаева “Меҳнат бозорида хотин-қизлар: янги қарорлар даври” деб номланган I Қозоғистон меҳнаткаш хотин-қизлар Форумида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хотин-қизлар кенгаши раиси сифатида Арманистон, Озарбайжон, Тожикистон, Туркия, Туркменистон давлатлари вакиллари билан биргаликда иштирок этди.

2024 йил 15, 17 ва 19 апрель - ёш ходимларнинг ташаббуе ва кизиқишларини яқиндан ўрганиш, ходимларнинг раҳбарият билан тўғридан-тўғри очиқ мулоқотини йўлга қўйиш мақсадида Республика Кенгаши раиси ҳамда Жамоат хизмати Интернационали Европа Федерацияси (ЕФПОО) Ёшлар кенгаши ҳамраиси Алина Танкелюннинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Бухоро, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида “Раҳбар ва ёш ходимлар” учрашувлари минтақавий тарзда ўтказилди.



Мазкур учрашувларда касба уюшмаларининг минг нафардан ортиқ ёшлар билан ишлаш бирлашмалари фаоллари иштирок этди. Шунингдек, Алина Танкелюн йиғилган ёшларга ўзининг “Оммавий чиқиш” деб номланган презентацияси асосида семинар ҳам ўтказди.

2024 йил 22 апрель - Республика Кенгашининг 3 нафар меҳнат техник инспекторлари Санкт-Петербург шаҳрида “Соғлиқни сақлаш ташкилотларида меҳнат шароитлари ва хавфсизлиги” мавзусига бағишланган Халқаро конференцияда иштирок этишди. Тажриба алмашиш жараёнида Ўзбекистонда инспекциялар томонидан олиб борилаётган ижобий ишлар катта кизиқиш билан қабул қилинди.

2024 йил 23-24 апрель - Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмалари Халқаро конфедерацияси таклифига биноан Беларусь Республикасининг фашизм босқинидан озод қилинганлигининг 80 йиллигига бағишланган ёшларнинг X юбилей “Ҳайрли ишлар маршрути” ватанпарварлик акциясида тармоқ касба уюшмаси ёшлар делегацияси иштирок этди.

2024 йил 10-11 май - Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнаткашлар фаолияти бюроси Шарқий Европа ва Марказий Осиё сектори (МОТ АКТРАВ)нинг 2024 йилги иш режасига биноан, Душанбе шаҳрида Қозоғистон, Мўғилистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари тармоқ касба уюшмалари вакиллари иштирокида “Тиббиёт ходимлари учун зўравонлик ва таҳдидлардан ҳоли, муносиб ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилишини таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизимида салбий жисмоний, ижтимоий, кимёвий, биологик омиллари ва психоэмоционал стресс ва касбий зўриқишларни олдини олишда касба уюшмалари ролини кучайтириш” мавзусидаги конференциясида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси делегацияси иштирок этди.

Ушбу халқаро тадбир давомида Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмалари Кенгашининг навбатдаги йиғилиши сайёр тарзда ўтказилди, кун тартибида Кенгашнинг рамзи, штатлар жадвалини тасдиқлаш, ҳаракатлар бўйича йўл харитасини ишлаб чиқиш масалалари куриб чиқилди.

